

Сайёдий, Сайёдий ўгли, Сайёдий ўгли Харобий (тахаллуслари; исми Саййид Мухаммад) (17-асрнинг 2-ярми, Балх якинидаги Хайробод кишлоги) — шоир. Овчи (сайёд) оиласида тугилган, ўзи ҳам шу касб билан шугулланган. Шоирнинг айрим шеърлари ҳамда «Тохир ва Зухра» достонигина етиб келган. Достонда халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган сюжет ёзма адабиёт анъаналари асосида баён қилинган. Унда хақиқий муҳаббат ва инсонийлик қуйланган, зўрлик ва адолатсизлик қораланган. Достонга 50 дан ортиқ газал шаклидаги шеърини парчалар киритилган. Достон асосида мусикали драма (1938, Собир Абдулла) ва кинофилм (1950) яратилган.

КИТЪАЛАР

Ўшал фарзанд бирла шод бўлгай,
Бори қайғусидин озод бўлгай.

* * *

Қўнгул севганларига лутф этгай,
Севмаганлар жаханнамга кетгай.

* * *

Ошиқ эрсанг, кеч бу шондин, алвидо,
Жону дилдин, хону мондин, алвидо.

* * *

Агар бўлсанг висолин гадоёи,
Муяссар бўлса, бўлмагил жудойи.

* * *

Бу ишқ савдосининг поёни бўлмас,
Агар ошиқ ўлар, товони бўлмас.

* * *

Кеча-қундуз тилайдурман худойимдан саодатни,
Ки даф айлаб тамаъ утин ўзи бергай қаноатни.

* * *

Обу оташу боду тоқ бўлди,
Хар қим танида чу тоқ бўлди.

* * *

Гъанимат тутмади гофил, чу ўткарди хаётини,
Вале килмадики жонига бир зарра нажотини.
Ки йигди бу жахоннинг мунча асбоб-олотини,
Бу молдин зарра хайр айлаб, чу бермади закотини,
Сайёдийким, бу ишларни суви йўк анхоре курдим.